

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 11

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 11 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Ҳушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий атtestация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Kucharov Jamshid Qulnazarovich

ROSSIYANING PAXTA YETISHTIRISH BORASIDAGI SINOV-TAJRIBALARI XUSUSIDA AYRIM
MULOHAZALAR (TURKISTON TO'PLAMI MATERIALLARI ASOSIDA) 11-14

Taғбаев Амирбек Аширбаевич

Б.Х.КАРМИШЕВА АСАРЛАРИДА “ИЛК ҚАБИЛАЛАР”ГА ОИД ЭТНОНИМЛАР
МАСАЛАСИ 15-23

Ҳамаев Нодирбек Мўминович

ТУРКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ВА УНИНГ
МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1924) 24-32

Tilanova Shahnoza Salohitdinovna

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHALARIDA BUXORO AMIRLIGIDA JADIDLARNING
FAOLIYATI 33-36

Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич

НАМАНГАНДА ҚОЗИЛАР ВА СУДЛАР ТАРИХИ 37-42

Артиқбаев Ойбек Салимахаматович

ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНИНГ ОИЛАВИЙ УРФ-ОДАТ ВА
МАРОСИМЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ (XX АСР ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 43-56

Atavullayeva Shaxlo Musoyevna

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI BİRINCHI KONSTITUTSIYASINING YARATILISH TARIXI ... 57-62

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Қўчқаров Файзулло Абдужабборович

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – АГРАР СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ 63-70

Shao Junling

ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN'S REGIONAL ECONOMY .. 71-76

Ashirov Nurmurod Qulmatovich

RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN KENG KO'LAMDA FOYDALANISHDA BANK TIZIMINI
IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI 77-82

Togayev Salim Sobirovich

BANK XIZMATLARIGA BO'LGAN ISHONCHNI OSHIRISH YOHUD MIJOZNI JALB QILISHNING
SAMARALI YO'LLARI 83-89

Самтаров Ганижон Озодович

МИНТАҚА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ 90-96

Yakubova Samira

- LEVERAGING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS: STRATEGIES FOR OPTIMAL INVESTMENT FINANCING 97-102

Abdualiyev Hamidulla Toxirjonovich

- OLIY TA'LIM MUASSASASINING INNOVATSIYALARNI BOSHQARISH TIZIMIDAGI LOYIHALARNI BOSHQARISH OFISI 103-109

Egamberdiyeva Salima Rayimovna

- XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA QISHLOQ XO'JALIGIDA AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH 110-118

Xolmamatov Diyor Haqberdievich

- SANOAT KORXONALARINING BOZORDAGI MAVQEINI BAHOLASHDA SPACE TAHLIL USULIDAN FOYDALANISH 119-127

Gafurova Dilshoda

- INNOVATIVE MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION: ASSESSING STRATEGIES AND IMPACTS 128-132

Xomidov Abdugaffor Axmadjonovich

- TA'LIM SOHASIDA LOYIHALARNI BOSHQARISH 133-139

Raxmonov Mirvoxid Rajabovich

- NAVOIY VILOYATI ASOSIY KAPITALIGA INVESTITSIYALAR TUZILISHI VA DINAMIKASI TAHLILI 140-149

Boyigitov Sanjarbek Komiljon o'g'li

- DON VA DONNI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA MARKETING XIZMATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA SNW TAHLIL USULINING O'RNI VA UNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI 150-159

Aziza Umarova

- AKSIYALARНИ BIRLAMCHI OMMAVIY JOYLASHTIRISH (IPO) AMALIYOTI ORQALI MOLIYAVIY RESURSLARNI SHAKLLANTIRISHNING XORIJ TAJRIBASI 160-167

Абдуллаев Бунёд Ўткирович

- СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ 168-178

Matjonov Bekjon Ravshanbekovich

- SOME CHARACTERISTICS OF ENSURING FOOD SAFETY IN UZBEKISTAN 179-185

Алиматова Наргис Абдухалиловна

- КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ-РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛИ 186-197

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Kobulniyazova Gulchexra Toshpulatovna</i>	
F. NITSSHE "HAYOT FALSAFASI" KONSEPSIYASI IJTIMOIY RIVOJLANISHNING IRRATSIONAL ASOSI	198-204
<i>Qaxorov Pulotjon Xursantomurodovich</i>	
INSON MOHIYATI, UNING BIOLOGIK VA IJTIMOIY TABIATI	205-211
<i>Tursonov Lochin Erkinovich, Hakimova Dilniza Yusufxonovna</i>	
РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ У ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ	212-218
<i>Urinboyev Dilmurod Tura o'g'li</i>	
HUQUQIY FAOLLIK VA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH MUOMMOLARI.....	219-225
<i>Язданов Зикирилло Шукуриллоевич</i>	
АЛ-ҲАҚИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ	226-231
<i>Nabiiev Maxsud Abdumannonovich</i>	
IQTISODIY MADANIYATNING MAZMUNIVAMOHIYATI	232-238
<i>Haydaraliyev Shuhratjon</i>	
MARKAZIY OSIYODA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING MILLIY VA MINTAQAVIY XUSUSIYATLARI	239-243
<i>Хамраев Сардорбек Шарафутдинович</i>	
ЭКОТОРИЗМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ..	244-250
<i>Xashimov Sheraxon Jo'raxonovich</i>	
O'ZBEKISTONNING XALQARO IMIDJINI YUKSALTIRISHDA MILLIY TURIZMDAGI EKOLOGIK TURIZMNING TUTGAN O'RNI	251-260
<i>Хатамова Рашида Закиржановна</i>	
ПАТРИОТИЗМ КАК ЭЛЕМЕНТ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ	261-266
<i>Патиев Холдор Икромович</i>	
ЖАДИДЧИЛИК ҚАРАШЛАРИ НЕГИЗИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ЖАМИЯТДА РИВОЖЛАНИШИ	267-275
<i>Ismoilova Xayitxon Maxammadjonovna</i>	
FARG'ONA VODIYSIDA OILA URF-ODATLARI VA QADRIYATLARINING TRANSFORMATSIYASI VA UNING IJTIMOIY JARAYONLARDA NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	276-280
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i>	
GLOBALASHUV VA OILA AXLOQIY MADANIYATINING O'ZARO ALOQADORLIGI	281-287
<i>Raxmankulov Farxod Raximkulovich</i>	
MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOIY MAS'ULIYAT TUYG'USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI	288-292
<i>Shirinov Anvar Qanoatovich</i>	
MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTINING DOLZARB MASALALARI	293-299

Xandamova Marifat Akramovna

"OSOR AL-BOQIYA" – ABU RAYHON BERUNIY IJMIY IJODINING DURDONASI 300-304

Teshaboev Muhiddin Marifovich

IJTIMOIY DAVLATDA IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASH VA IJTIMOIY INSTITUTLARNING
MAQSADI 305-311

Karimov Rahmat Rahmonovich, Bekbayev Rauf Rustamovich

MADANIY ANTROPOLOGIYA FANINING PREDMETI VA IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR
TIZIMIDAGI O'RNI 312-320

Talapov Baxriddin Aljanovich

DEMOKRATIYA VA SHARQONA BOSHQARISHNING ETNODIFFERENSIAL
XUSUSIYATLARI 321-326

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Auezmuratova Нуржамал Дастанбаевна

КАРАКАЛПАКСКИЕ ЖЕНСКИЕ ЛИЧНЫЕ ИМЕНА 327-332

Olga Filippova

ADDING REDUNDANCY FUNCTIONS TO CLUSTERED IMPLEMENTATION 333-345

Egamnazarova Zaynab Xolmurod qizi

INGLIZ TILIDAGI RIELTORLIK FAOLIYATIGA OID TERMINLARNING O'ZBEK TILI O'ZLASHISH
MASALALARI 346-351

Narzieva Gulnoza Akbarovna

LEKSIK BIRLIKLARDA MILLIY – MADANIY KOD IFODASI 352-357

Qodirova Mukaddas Tog'ayevna, Ibragimova So'g'diyona Ikrom qizi

INGLIZ-O'ZBEK TILLARIDA VERBAL VA NOVERBAL MULOQOT TABULARINING
QO'LLANILISHI 358-362

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли

ИНТЕРНЕТ ТАРМОФИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРАЛАРИ 363-371

Amaev Шокир Куранбаевич

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ЛиBERALLAШТИРИШ 372-377

Юсупов Илхомжон Ибодиллаевич

ХУҚУҚИЙ АНИҚЛИК ПРИНЦИПИНинг АЙРИМ НАЗАРИЙ - ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ
ХУСУСИДА 378-385

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Adizova Nigora Baxtiyorovna

MUAMMOLI TA'LIM ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING DIVERGENT
TAFAKKURINI TARBIYALASH VA RIVOJLANTIRISH 386-390

<i>Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna</i>	
O'ZBEKISTON OLIY O'QUV YURLARI TALABALARINING IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ISPLAN TILINI O'QITISHDA VIRTUAL REALLIKDAN FOYDALANISH	391-400
<i>Uralova Muxabbat Sanjar qizi</i>	
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHISINING IJODIY-METODIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH.....	401-406
<i>Kenjabaev Jahongir Abdusalimovich</i>	
METHODOLOGY FOR TEACHING ENGLISH BASED ON INTERNET RESOURCES	407-411
<i>Abdusamatov Alisher Sobirovich</i>	
TA'LIMNI LOYIHALASHTIRISH JARAYONIGA SEMIOTIK YONDASHUV	412-417
<i>Ibragimova Ehtiyotxon Ismailovna, Sobirova Nargiza Numonjonovna</i>	
TA'LIMDA NOVERBAL VOSITALARNING O'RNI	418-422
<i>Babayeva Maxfuzा Abduvaitovna</i>	
TA'LIMDA FANLARARO BOG'LANISHNING AHAMIYATI	423-429
<i>Nazarova Zarrina Allaberdiyevna</i>	
MAKTAB O'QITUVCHILARINING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRIRSH USULLARI.....	430-435
<i>Jumayeva Gulnora Tursunpulatovna</i>	
O'QITUVCHILARINING KASBIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING SHART-SHAROITLARI	436-442
<i>Умаров Азиз Авазович</i>	
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АУДИОВИЗУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	443-447
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i>	
INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV NUTQIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI(STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASI MISOLIDA)	448-453
<i>Otamurodova Shamsu Qamar Otamurodovna</i>	
DIVERSIFIKATSIYA TAMOYILI ASOSIDA TALABALARING KREATIVLIGINI YUZAGA CHIQARISH METODIKASI	454-461
<i>Komilov Nodirbek Bokijonovich</i>	
THE IMPORTANCE OF THE HISTORY OF MEDICINE IN INCREASING THE EXCLUSIVE COMPETENCE OF FOREIGN STUDENTS	462-466
<i>Sapieva Nargiza Mamayusufovna</i>	
IQTIDORLI O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNI IJTIMOIY-PEDAGOGIK QO'LLAB-QUVVATLASH	467-478
<i>Norqobilova Rayxona Davlatovna</i>	
XORIJIY FANLARDAN BOLALARING MAKTABGA TAYYORGARLIGINING DIAGNOSTIKASI	479-484

<i>Mamatkodirov Maxammadali Mamatisakovich</i>	
SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLAR UCHUN RAQAMLI VOSITALAR VA PLATFORMALARNI HAMDA O'QITISH USULLARINI TANLASH	485-492
<i>Irgasheva Umida Raimjanovna</i>	
TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI STEAM TEKNOLOGIYASI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH	493-498
<i>Turayeva Lolaxon Yuldashevna</i>	
ERKIN MEXANIK TEBRANISHLARNI MAPLE DASTURIY VOSITASI YORDAMIDA O'RGANISH VA NAMOYISH ETISH	499-505
<i>Kushakova Gulnora Egamkulovna</i>	
TALABA YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	506-510
<i>Kenjabayeva Dilafruz Abdusalimovna</i>	
OLIY O'QUV YURTI SHAROITIDA ZAMONAVIY O'QITUVCHINI TAYYORLASHNING DEONTOLOGIK KOMPONENTI	511-518
<i>Xasanova Gulnoza Raxatjanovna</i>	
KREDIT-MODULLI TA'LIM TIZIMI JARAYONIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI	519-525

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Саттаров Ганижон Озодович,
Хоразм маъмун академияси мустақил тадқиқотчisi,
ganijon.s@mail.ru

МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилояти минтақаси рақобатбардошлигини таъминлашда экспорт салоҳиятининг аҳамияти, ундан фойдаланиш омиллари ёритилган ҳамда омиллар таъсирини ошириш юзасидан хулоса ва таклифлар баён этилган.

Калил сўзлар. Минтақа, минтақа рақобатбардошлиги, экспорт, экспорт салоҳияти, омиллар.

Sattarov Ganijon Ozodovich,
Independent researcher of Khorezm Mamun Academy,

FACTORS OF USE OF EXPORT AUTHORITY IN ENSURING REGIONAL COMPETITIVENESS

Abstract. In this article, the importance of the export potential in ensuring the competitiveness of the Khorezm region, the factors of its use, and conclusions and suggestions for increasing the influence of the factors are presented.

Key words. Region, regional competitiveness, export, export potential, factors.

Саттаров Ганиджон Озодович,
Независимый исследователь Хорезмской Академии Маъмуна,

ФАКТОРЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭКСПОРТНЫХ ОРГАНОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ

Аннотация. В данной статье представлены значение экспортного потенциала в обеспечении конкурентоспособности Хорезмской области, факторы его использования, а также выводы и предложения по увеличению влияния факторов.

Ключевые слова. Регион, региональная конкурентоспособность, экспорт, экспортный потенциал, факторы.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I11Y2023N12>

Кириш. Бугунги кунда минтақалар экспорт фаолиятини ривожланиши амалга оширилиб, белгиланган чора-тадбирлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватланиб ва тартибга солинмоқда. Бу эса миллий минтақавий сиёсатнинг устувор йўналиши

барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг асосий омилидир. Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти экспорт ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш имкониятини беради. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳам экспортнинг маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳисобланади.

Экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва унга оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони [1] қабул қилинди. Фармон асосида экспортни ривожлантириш бевосита макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган. Бу эса экспорт салоҳиятини амалга оширишга қаратилган турли омиллардан фойдаланишни тақозо қиласди.

Адабиётлар таҳлили. Биламизки, экспорт салоҳияти ташқи савдонинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ташқи савдони таркибий хусусиятлари иқтисодиёт соғломлиги, барқарорлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади [2]. Айниқса, турли миллий иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқлик кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ушбу масала долзарблик касб этади. Бу ҳолатда маъқул чора бўлиб, ташқи савдо алоқаларини амалга оширишда маҳсулот ёки мамлакат ва минтақага боғланиб қолиш билан белгиланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш, хусусан, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган қатор институционал чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда экспорт фаолиятини эркинлаштириш, савдо муносабатларини соддалаштириш, экспортчиларга молиявий имтиёз ва субсидиялар тақдим этишга қаратилган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ана шулар жумласидандир [3].

Мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш давлат иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишидир. Бу жараён кўпгина маҳаллий ҳамда хорижий етакчи мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида тасдиқланган [4]. Тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолияти экспорт йўналишининг ўсиши ҳамда инновация ва рентабеллик даражаларининг ўзгаришига ижобий таъсир этади. Бевосита улар экспорт салоҳиятини ривожлантиришга таъсир қиласди. Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар ҳам экспорт салоҳиятини ривожлантириш, яъни иқтисодий ўшиш муҳим омили бўлиб қаралади. Республикаиз экспорт фаолиятида, аввало, саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг улуши юқори ҳисобланади. Бу улушни янада ошириш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажмини кўпайтириш масаласи устувор вазифа сифатида сақланиб қолмоқда [5].

Экспорт фаолиятининг ривожланишига кластер тизими ҳам таъсир қилиб, у ўз навбатида минтақа рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган экспорт салоҳиятини таъминлаш омили бўлиб ҳам хизмат қиласди. Чунки, кластер моҳиятини тушуниш учун рақобат назариясини билиш талаб қилинади. Кластерларни роли бевосита ҳозирги мураккаб глобал рақобат муҳитида шаклланаётган инновацион иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамияти билан белгиланади. Шунинг учун, кластер ғояси, миллий ва худудий иқтисодиёт тушунчаларига ҳам янгича қараш, хукумат ва бошқа ташкилотлар фикр-мулоҳазалари ва корхоналар рақобатбардошлигини

таъминлаш асоси сифатида экспорт салоҳиятини оширишга қаратилади [6]. Шу орқали унга таъсир қилувчи омиллар таъсирини аниқлаш мумкин бўлади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада тадқиқотнинг таҳлил, синтез, иқтисодий усул, мантиқий таҳлил, индуктив, дедуктив ва абстракт фикрлаш каби усувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Минтаقا рақобатбардошлигини таъминлашда экспорт салоҳиятидан фойдаланиш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида, бунинг учун Хоразм вилояти минтақасида экспорт салоҳиятига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада амалга оширилган экспорт ҳажми кўрсаткичи ва ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатларини келтирилиш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг натижалари 2019-2022-йилларда вилоят ҳудудларига қўйидагича тўғри келган (1-жадвал).

1-жадвал. Хоразм вилоятда 2019-2022 йилларда амалга оширилган экспорт ҳажми динамикаси тўғрисида¹

№	Худуд номи	2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		млн. долл	ўсиш суръат и %да	млн. долл	ўсиш суръат и %да	млн. долл	ўсиш суръат и %да	млн. долл	ўсиш суръат и %да
	Жами вилоят бўйича	147	144	173	118	234	135	274	2,03 баробар
1	Урганч шаҳри	33	171	20	63	31	152	30	20
2	Хива шаҳри	12	135	10	84	10	102	12	12
3	Боғот тумани	13	107	17	132	24	139	27	20
4	Гурлан тумани	7	73	7	104	11	155	12	8
5	Қўшкўпир тумани	6	2,1 баробар	8	135	11	138	13	9
6	Урганч тумани	14	175	8	56	11	140	15	11
7	Ҳазорасп тумани	5	131	16	284	16	100	17	17
8	Тупракқалъа тумани	--	-	2	-	6	3,44 баробар	9	3
9	Хонқа тумани	12	3 баробар	20	161	24	122	26	21
10	Хива тумани	10	3,07 баробар	11	104	16	145	23	16
11	Шовот тумани	22	91	41	188	50	124	62	50
12	Янгиариқ тумани	5	176	6	118	14	2,28 баробар	15	7

¹ Хоразм вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари

1 3	Янгибозор тумани	7	2,4 баробар	7	109	9	126	12	10
--------	---------------------	---	----------------	---	-----	---	-----	----	----

Ушбу 1-жадвалга асосан, жами вилоят бўйича амалга оширилган экспорт ҳажми 2018 йилда 147 млн. долларни ташкил этган ёки 144 фоизга ошган. Мазкур кўрсаткич 2022 йилда 203 млн. долларни ташкил этган ёки 2,03 баробарга ошган.

Шунингдек, Хоразм вилоятида экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва унга таъсир қилувчи омиллар фаолиятини ривожлантириш бўйича қуидаги йўналишларда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

- **мавжуд экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни топиш;** 2017-2021 йилларда вилоятдаги корхоналар томонидан амалга оширилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми сон ва сифат жиҳатдан кўпайди. Хусусан, шу йилларда жами 736 млн. долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробарга ошди. Шундан, саноат маҳсулотлари 523 млн. долларга teng бўлиб, ёки 2016 йилга нисбатан 1,6 баробарга ва мева-сабзавот маҳсулотлари эса 213 млн. долларга teng бўлиб, ёки 2016 йилга нисбатан 6 баробарга ошди. Бу ҳолатни худудлар бўйича кўрадиган бўлсак, Урганч, Хонқа, Ҳазорасп, Хива Шовот туманлари ва Урганч шаҳрида экспорт ҳажми 2 баробарга ошди. Экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони 51 тадан 214 тага ёки 4 баробарга кўпайди. Хорижий экспорт давлатлар жами сони 16 дан 32 тага етиб, экспорт имкониятлари АҚШ, Германия, Хитой, БАА, Ироқ, Туркия, Бангладеш, Корея, Ҳиндистон, Ветнам, Япония, Австрия каби давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳисобига кенгайди. Экспортга йўналтирилган товар турлари 65 дан ошиб, 30 дан ортиқ янги ёки тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, гул қоғоз, мева-сабзавот шарбатлари, ойна, қурилиш моллари, тиббиёт қўлқоплари, маргарин, балиқ консервалари, қизилмия экстракти, қуритилган мева-сабзавотлар каби маҳсулот турларининг экспорти амалга оширилди. Экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган замонавий иссиқхоналарни майдони 8 гектардан 285 гектарга етказилди. Натижада, мазкур йиллар давомида 15 млн. доллардан ортиқ маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 2021 йилда 2,2 трлн. сўмлик ёки 2017 йилга нисбатан ўсиш 2,1 баробарни ташкил қилиш ҳисобига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришилди ва экспорт ҳажми 122,2 млн. долларга етказилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортёр корхоналарга кўрсатилган жами 6 млрд. сўмлик молиявий ёрдам натижасида қуидаги унсурлардан иборат бўлган қўшимча 35 млн. долларлик экспорт ҳажми таъминланди:

- 8 та корхоналарга экспорт қилишда транспорт харажатлари қисмини компенсация қилиш учун жами 926 млн. сўмлик маблағлар ажратилди;
- 6 та экспорт қилувчи ташкилотларга халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларини жорий этиш бўйича жами 826 млн. сўмлик маблағ тўлаб берилди;
- 8 та корхонага кўргазма ва ярмаркаларда иштироки билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш учун жами 153,4 млн. сўм харажатлари қоплаб берилди;

- экспорт амалиётида зарур бўладиган 2381 та рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш учун жами 429,5 млн. сўм тўлаб берилди;

- 11 та корхона томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун олинган 15 млрд. сўмлик кредитлар фоиз харажатларини 877 млн. сўм ҳамда 1 та корхонага 5,5 млрд. сўм кредит олиш учун 2,8 млрд. сўмлик кафиллик тақдим этилди.

Шулар билан бирга, экспорт ҳажмларини ўсиши юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари экспортини ошириш ҳисобига эришилди. Натижада, пахта толаси экспортини камайтирган ҳолда уни қайта ишлаш даражасини оширилиши эвазига тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти 2 баробарга ёки 60 млн. долларга ўсди, мева-сабзавот маҳсулотларининг 4 баробарга ёки 44 млн. долларга ҳамда қурилиш материалларининг 6,6 баробарга ёки 3 млн. долларга ўсиши таъминланди.

- янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва уларни ташқи бозорларга олиб чиқиши. Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий-иқтисодий ва ташкилий-хукуқий томондан қўллаб-қувватлаш натижасида 2026 йилда вилоят экспортини тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, ипак, қурилиш моллари, қайта ишланган ва хўл мева-сабзавотларни экспортга жалб қилиш ҳисобига 500 млн. долларга етказиш ёки 2021 йил кўрсаткичига нисбатан 2,6 баробарга ва 2017 йилга нисбатан эса 4 баробарга ошириш режалаштирилган. Бу орқали экспорт фаолиятига жами 200 дан ортиқ янги корхоналар жалб этилиб, уларнинг сони 400 дан кўпаяди ҳамда 16 дан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан янги бозорларга кириб борган ҳолда 65 дан ортиқ давлатларнинг бозори ўзлаштирилди. Аниқроғи, инвестиция дастурлари доирасида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиш ўзлаштирилиб, экспортга 30 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар йўналтирилди ва экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар сони 150 дан оширилди. Шунингдек, ҳудуднинг “драйвер” соҳалари бўлган тикув-трикотаж ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида кейинги 5 йил ичida экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улушининг ошиши белгиланган. Вилоятда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида вилоятида 2022-2026 йилларда юқори қўшилган қийматли экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 263,7 млн. доллар бўлган жами 48 та янги инвестиция лойиҳаларини йўлга қўйиш ҳисобига ҳудуднинг йиллик экспорт салоҳияти 305,9 млн. долларга етказилади.

- қишлоқ хўжалигидағи ресурслардан самарали фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан фойдаланиш натижадорлигини ошириш ва соҳага инновацион ишланмаларни жорий этиш орқали 2026 йилгача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини 3 баробарга оширган ҳолда 150 млн. долларга етказилади. 2026 йилга келиб, замонавий иссиқхоналарнинг майдони 2000 гача кенгайтирилиб, улар ҳисобидан маҳсулотлар экспорти 100 млн. долларгача етказилади. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этишлари ташкиллаштирилди. Маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини хорижий мамлакатларга тўсиқсиз ва муаммосиз экспортини амалга ошириш мақсадида маҳсулот этиштирувчиларга халқаро сертификат ва стандартлар тизими жорий этилади. Гул карам, салат латук ва қулупнай каби сабзавот маҳсулотларини этиштиришни таъминлаш натижасида ноанъанавий турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга

йўналтириш орқали экспорт ҳажмлари янада оширилади. Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш натижасида жаҳон бозорларида юқори талабга эга маҳсулотларни етиштириш ва экспорт қилиш ишлари ташкиллаштирилади.

Бугунги кунда вилоятдаги экспортёр ва импортёр корхоналар Туркманистон Республикаси ҳамда Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган давлатларга Бухоро вилоятининг Олот туманидаги чегара пости орқали юк ташиш транспортларида маҳсулотлар олиб кириш ва чиқишлари амалга оширилмоқда. Бу эса тадбиркорларга ортиқча транспорт харажатлари ва вақт сарфланишига сабаб бўлмоқда. Шовот туманида чегара-ўтказув пункти фаолиятини йўлга қўйиш орқали тўғридан-тўғри Ашхобод шаҳригача борадиган масофани қисқартиришга эришилади. Натижада, транспорт харажатлари миқдори камайиб, экспортёрлар корхоналар учун қулайлик яратилиб, вилоятни экспорт салоҳияти 10 млн. долларга оширилади.

Хуласа. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш минтақа рақобатбардошлигига боғлиқ бўлиб, бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятига таъсир қилувчи омиллардан самарали фойдаланишни тақозо қиласи. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, минтақада экспорт фаолиятини ривожлантириш, хусусан маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- турли тармоқларнинг қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- янги ташкил этилган корхоналар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва имтиёзлар бериш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилиги, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари бўйича меъёрий базани янада мустаҳкамлаш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августда “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6042-сон Фармони <https://lex.uz/docs/4954642>
2. Қодиржонов А.М. Ўзбекистон Республикаси экспортини таркибий ҳолати таҳлили ва такомиллаштириш имкониятлари. / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. №2, mart-aprel, 2021. - 404 б.
3. Қодиржонов А.М. Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг институционал омиллари ва шарт-шароитлари. // Иқтисод ва молия, 2020, 4(136). - 107 б.
4. Мирзаев Х.Н. Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари. // “Замонавий дунёда инновацион тадқиқотлар: назария ва амалиёт”

- номли илмий, масофавий онлайн конференция материаллари. - 106 б. www.in-academy.uz
5. Рустамов А.Р. Мамлакатимиз экспорт салоҳияти ва унда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўрни. // “UzBridge” электрон журнали, I-сон июнь, 2021 йил. - 59 б.
 6. Қодиров Х.Т. Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини халқаро маркетинг стратегиялари асосида ошириш. / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020. -21-22 б.
 7. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 11 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).